



# ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 13 (1077) • 2016-yil, 25-mart, juma

## ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТЛАРДА

фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги намоён бўлмоқда

### САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

Амалдаги қонунларнинг ишлаш механизми-рини такомиллаштириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда жойларда депутатлик назоратини амалга ошириш, депутатларнинг сайловчилар билан ишлаш янада жонлантириш, мавжуд масалаларни яқиндан ўрганишлари муҳим ўрин тутаяди. Партия фракцияси аъзоларининг қонун ижодкорлиги фаолиятида муҳим таклифларни ишлаб чиқишда электрот билан мустақкам алоқа ўрнатилганлиги амалий аҳамиятга эга. Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоларининг ўз сайлов округлари ҳудудларида сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтмоқда.

**СУРХОНДАРЁ.** 76-Узун сайлов округидан сайланган депутат, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси раҳбари, партия Сийёсий Кенгаши раиси Наримон Умаров Шўрчи туманидаги «Оққўрғон» ва «Озод» маҳалла фуқаролар йиғинларида сайловчилар билан учрашди.

— Халқимиз қадимий байрамимиз — Наврўзи оламини катта шодифна, ифтихор хисси ва шукроналик билан кутиб олди. Зеро, тинчлик, осойишталик, кишилар ўртасида меҳр-оқибат бор юртда байрамлар кўтаринки руҳда ўтади, — деди Н.Умаров. — Қонун устувор бўлган жойда адolat қарор топиб, осойишталик ва тараққиёт барқарор бўлади. Қонуларнинг халқчил ва аниқ мазмунда бўлиши, албатта, депутатлар зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Мамлакатимизда икки палатали парламент фаолияти изчил шакланганлиги республикамиз тараққиётига, халқ фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қиладиган мукаммал қонунлар ишлаб чиқиш

ва амалиётга йўналтиришга хизмат қилмоқда.

Юртимизда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг кенг қўлмалли ислохотлар жараёнида таъсирини, ижро ҳокимияти ва парламент фаолиятига оид масалаларни ҳал этишда уларнинг ролини кучайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда кейинги йилларда миллий қонунчилигимизга киритилган ўзгариш ва янгилашлар тўғрисида бу борадаги ҳуқуқий асослар мустаҳкамлашди. Партиялараро сиёсий рақобат шартларида Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг фракцияси «Демократик кучлар блоки»га нисбатан муҳолиф сифатида қонун ижодкорлиги фаолиятида мамлакатимиз тараққиёти учун ўз сиёсий позициясини катъий намоён этиб келмоқда. Шубҳасиз, бу жараёнларда партиянинг Сайловчилар дастурида илгари сурилган долзарб вазифалар ва таклифларни рўйбга чиқариш электрот билан янада яқиндан ишлашни ҳам тақозо этмоқда.

3



## “ФАСЛИ НАВБАҲОР ЁЛДИ, КЕТИБОН ЗИМИСТОНЛАР...”

### МУҲАРРИР МИНБАРИ

Инсон хотираси билан тирик. Бани башарга ато этилган энг қимматли неъматлардан бири ҳам одамзотнинг кечаги кунини унутмаслиги, уни бугуни билан муқояса этиши ва лозим ҳолсани чиқара олишидадир.

Ваҳоланки, вақт дарёси югурик, давр, замон шиддат билан ўтаверади. Баки шунгами, яқин-яқинларда бизга оддий воқеалик, кундалик турмуш тарзимизнинг бир бўлаги бўлиб туюлган воқеа-ҳодисалар бугун чўпчакка, ривоятга ўхшайди. Уларни эслай туриб, беихтиёр ёқа ушлайсан киши. Кўнгилдан эса “Ростланам шундай бўлганмиди ўзи?” деган ўй ўтади.

Ха, шундай бўлган эди. Бунга биз, бугунги ўрта авлод шохидимиз. Замонлар бўлдики, Наврўз байрами эскилик сарқити, диний маросим дея тақиб қилинди. Илдиэлари “Авесто” даврига бориб такаладиган, демак, камида ўттиз асрдан бери мавжуд бу удумнинг нимаси шўролар салтанатининг хушёр мафкурачиларига ёқмаган — буни соғлом ақл, мантқиқ билан тушуниб бўлмайди. Аммо мен бугун лицейда ўқиётган боламга, унинг тенгдошларига: “Бир пайтлари юртимиз-

да Наврўзини нишонлаш расман ман этилганди, унинг ўрнига “Навбахор” деган сунъий байрам ўйлаб топилганди, сиёсатдонларимиз янги байрамни мактаб оғиз кўптиришганди, шоирларимиз шеърлар дostonлар битишганди”, десам ишонимайди. Мутлако ишонимайди. Сал дадилроқлари очикдан-очик: “Бўлиши мумкин эмас!” ҳам дейишди.

Ваҳоланки, шундай бўлганди...

Мен бугун лицейда ўқиётган боламга, унинг тенгдошларига:

“Бир пайтлари диний-сиёсий жиҳатдан ўта хавfli ҳисоблана бошланган Наврўз байрамида энг шимариб майдонга чиққан қизил галстукли коммунист амалдорлар қишлоқма-қишлоқ, маҳаллама-маҳалла юриб, сумалак тўла қозонларни ағдарилганди”, десам яна ишонимайди. Сал дадилроқлари энди менинг ўзимни телбага чиқаришди ёхуд очикдан-очик: “Сумалакда нима айб?” дейишди.

2

### ДЕПУТАТ МИНБАРИ

Мамлакатимизда сўнги йилларда амалга оширилган конституциявий ислохотлар натижасида давлат ҳокимияти органлари тизимида олиё вакилик органи — парламентнинг рол ва аҳамияти сезиларли даражада кучайди.

## ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Бугунги кунда парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти билан бирга, депутатлар томонидан амалга ошириладиган назорат-таҳлил ишларининг ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш ҳамда унинг самардорлигини юксалтиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу нуқтага назардан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари ташаббускорлигида ишлаб чиқиб, палатанин яқинда бўлиб ўтган мажлисида қабул қилинган ва Сенатга кўриб чиқиш учун юборилган “Парламент назорати тўғрисида”ги янги қонун миллий парламентимиз ривожига янги босқични бошлаб бериши шубҳасиз.

Хўш, ушбу қонунни ишлаб чиқишдан қўзланган асосий мақсад ва зарурият нималардан иборат? Ушбу савол ҳар бир фуқарони кизиқтириши табиий, албатта.

5

## ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

### “АДОЛАТ” ШАРҲИ

Истиқлол даврида эришилган ютуқлардан бири — сиёсий ва ҳуқуқий тизимлар изчил, босқичма-босқич модернизация қилиниши натижасида демократиянинг муҳим шарт бўлган миллий сайлов тизимининг қонунчилик асослари умум-этироф этилган халқаро принципларга тўлиқ мос ҳолда шакланганлигидадир. Бинобарин, фуқароларнинг давлат органлари ва ўзини ўзи бошқариш органларини демократик тарзда ташкил этишдаги иштироки, асосан, сайловларда намоён бўлади. Шу боис, сайловлар демократиянинг муҳим шарт ва ажралмас белгиси саналади.



Таъкидлаш лозимки, демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан изчил бораётган мамлакатимизда фуқароларнинг давлат бошқарувини амалга оширишдаги иштироки ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни мустақил ҳал қилишларини таъминловчи ташкилий-ҳуқуқий кафолат-

лар тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай

иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади.

6

### Бугунги сонда:

#### МАҚСАДЛАРИМИЗГА ҲАМОҲАНГ ДАСТУР

Қарорга мувофиқ, ушбу Давлат дастури доирасида жами 7 триллион 483 миллиард 300 миллион сўм ва 194 миллиард 400 минг доллар ҳажмидаги ишлар амалга оширилиши белгиланган... Биз учун яна бир янгилик: Дастур доирасида 2015-2018 йиллар давомида Сирдарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш режалаштирилган.

5

#### САЙКАЛ ТОПАЁТГАН САМАРҚАНД

Халқаро доираларда тан олинган ва катта нуфузга эга бўлган “Хаффингтон пост” интернет нашри томонидан Самарқанд инсон ўзи умри давомида ҳеч бўлмаганда бир маротаба бориб кўриши, албатта, зарур бўлган дунёдаги 50 та шаҳарнинг бири сифатида эътироф этилгани нафақат самарқандликлар, балки барча юртдошларимизга чексиз гурур ҳамда ифтихор ҳиссини бағишлади.

8



## ОСУДА ВА ОБОД ЮРТГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

Наврўз — янгиланиш, яшариш фаслининг дебوحаси, тенглик, ҳамжихатлик, тотувлик айёми бўлгани боис ҳар йили бу кунни ўзгача интиқлик, соғинч ва энтиқиш билан қарши оламиз. Бу йил ҳам ушбу байрамни халқимиз катта кўтаринчилик, шоду-хуррамликда нишонламоқда.

**Ч**унончи, истиклол туфайли тикланган кадриятларимиз, урф-одад ва миллий байрамларимиз орасида Наврўзи оламнинг ўрни, завқу шавқи бўлакча. Меҳр-оқибат, эзгулик, саховат ҳамда мурувват тимсоли саналмиш ушбу айём халқимизнинг азалий анъаналарига уйғунлиги билан янада кадрлидир.

Зеро, давлатимиз раҳбарининг халқимизга йўлаган Наврўз табригида айтилганидек, айни шу файзли, шодиёна дамларда юртимизнинг барча гўшаларида, кир-адирлар, боғу роғларда юртдошларимиз сумалак ва ҳалим, кўксомса ва гўжа каби тансиқ таомлар тортилган дастурхонлар атрофида тўпланиб, бу баҳор неъматларини ўз оиласи, яқинлари, дўсту биродарлари билан баҳам кўришга интилади.

Дарҳақиқат, Наврўз байрами мусаффо осмон остида, тинч-омонликда нишонланаётгани мамлакатимиз мустақиллигининг илк йилларидан Юртбошимиз бошчилигида амалга ошириб келинаётган тинчликпарвар секинати, кенг қўламли ислохотларнинг нақадар тўғри эканлигининг ёркин ифодасидир. Тинч-осо-йишта элдагина байрамлар бўлади, халоватли халққа эса хурсандчилик ярашади.

Шу боис ҳам Президентимиз ўз нутқида бутун дунёнинг турли минтақаларида юз бераётган таҳликали вазиятларни тинч йўл билан, келишув йўли билан бартараф қилиш лозимлиги яна бир бор аҳамият қаратди. Қадим-қадимдан мин-

такамизда истикомат қилган халқлар Наврўз байрами кунларида ҳар қандай араз, гиналар ва низолардан воз кечганлиги, элатлар орасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатлик, аҳиллик ва бирдамлик таъминланганлигини таъкидлади. Шу маънода, бутунги дорилмон кунларимизнинг кадрига етиш, юртимиздаги тинчлик, фаровонликнинг барқарорлигини таъминлаш ҳар биримизнинг бирламчи вазифамиз эканлигини, бутунги кунда мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг асосий тилаги бу тинч ва омонликда яшаш эканлигини эътироф этгани халқимиз дилидаги энг эзгу ният эканлигини барчамиз янада чуқурроқ англадик.

Дунё шиддат билан ўзгараётган ҳозирги мураккаб бир даврда ҳаммамиз елкадош бўлиб, белгиланган вазифаларни масъулият билан адо этмоғимиз, олдимизда турган юксак марраларни собитқадамлик

**Мухтасар айтганда, Наврўз мамлакатимизда яшаётган миллати, тили ва динидан қатъий назар, барча юртдошларимиз учун сеvimли байрамга айлангани ва бу байрамни кўтаринки кайфиятда нишонлаш бахтига муяссар бўлаётганимиз ҳар биримизда шукроналик хиссини янада оширди.**  
**Наврўз тантаналари, мухтарам Юртбошимизнинг табриги қалбимизда шу юрт фарзанди эканимиздан, халқимизга хос кадрият ва анъаналар нечоғли боқий ва сермазмун, миллий маданиятимиз нақадар бой эканидан ғурур ва ифтихор туйғусини оширди.**

**Акmal БУРХАНОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги  
Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси

### ➤ ДАВЛАТ ДАСТУРИ — АМАЛДА

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни тиббий-ижтимоий муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури доирасида касалликларнинг олдини олиш, болаларни соғломлаштириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.



## ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Бу борада бир қатор халқаро ва маҳаллий жамоат ташкилотлари билан самарали ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Германиянинг “Friedensdorf International” халқаро ташкилотининг уч томонлама ҳамкорлик битими шулар жумласидандир. Мазкур ҳамкорлик доирасида Жиззах вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида соғлиғида нуқсон бор болалар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Унда Жиззах ва Сирдарё вилоятларида яшаётган тугма касаллиги

бор, куйишдан кейинги контрактуралар, сийдик йўли аномалияси каби таххислар қўйилган 65 нафар бола германиялик мутахассислар томонидан текширилди. — Она учун фарзанднинг саломатлигидан ортиқроқ бахт йўқ, — дейди мизачўллик Дилхўмор Усмонова. — Ўғлим Сардорбекнинг бахтсиз ходиса туфайли тана қисми куйганди. Шифокорлар фарзандимни операция йўли билан даволаш мумкинлигини айтишди. Эндиликда ўғлим Германияда даволанадиган бўлди. Фарзандларимизнинг камолоти, соғлигини ўйлаб амалга оширилаётган бу каби эзгу ишлардан кўнглимиз тоғдек кўтарилди.

Фонд ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Германиянинг “Friedensdorf International” халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда 2012 йилдан буён 300 нафар бола Германия шифохоналарида ўз саломатлигини тиклаб қайтишига ўз хиссасини қўйди. Тиббий кўрик натижаларига кўра, касаллик даражаси ва оилавий аҳолига қараб сараланган болалар жорий йилнинг август ойидан бошлаб Германия клиникаларида даволашни имкониятга эга бўлишади.

**Муқимбой ИСМОИЛОВ,**  
“Адолат” муҳбири

## “ФАСЛИ НАВБАҲОР ЁЛДИ, КЕТИБОН ЗИМИСТОНЛАР...”

➤ **Давоми. Бошланиши 1-бетда**

Дарҳақиқат, шундай бўлганда, Ваҳолаки, ўз даврида шўронинг хафтафаҳм мулозимлари айнан сумалакни айбдор қилишганди...

Баъзан ўзимча ўйланиб қоламан. Ўсиб келаётган бу авлоднинг ўша минг йиллик кадриятлар оёқости бўлган машғум кунларни билмаслиги, ҳатто шундай бўлиши мумкинлигини тасаввур эта олмаслиги уларнинг бахтидир эҳтимол. Эҳтимол уларга ўша машғум кунларни ахён-ахён бўлса-да, эслатиб туришимиз керакдир. Доншмандлар айтишади-ку, “Бир ёмонни кўрмай туриб, яхшининг кадрига етмайсан”, деб. Бугунги ёшларимиз ёмонни кўришмасин-у, лекин яхшини кадрлашни, асраб-авайлашни билишсин, дейман-да...

Демак, бутун баралла айтишимиз мумкин-ки, “ок”ни “қора”, “қора”ни эса “оқ” дейдиган замонлар қўрқинчли туш каби унутилиб кетди. Биз энди соғлом ақл, тафаккур, онг-шуур ва юксак маънавий хукмронлик қилаётган, эркинлик ва адолат устувор юртда умргузаронлик қилмоқдамиз. Биз бутун инсон кадрланадиган, унинг ҳуқуқлари кафолатланадиган, қадим илдизларидан маънавий озуқа оладиган ўлкада истикомат қилмоқдамиз. Биз энди боқий кадриятларимизга, умуминсоний бойликларга эҳтиром билан муносабатда бўлинадиган, астойдил эъозланадиган мамлакатда яшамоқдамиз. Шу маънода янги йилимизнинг илк кунини бошлаб берган Наврўз айёмининг ҳар қанча кутласак, нишонласак арзийди.

Мен, очини, ўғлимга, унинг тенг-тўшларига ҳавас қиламан. Улар янгича давр, янгича ижтимоий муносабатлар, янгича қарашлар даврида шаклланган авлод.

Улар оламга, борликка, атрофимизга сержак, тийрак шижоқ ташлашади. Улар шу ёшларида жаҳоний илмлардан боҳабар бўлиб улгурган, ўзларини, ўзликларини тўла намоён эттишлари учун тенг ва кенг имкониятларга эга авлод. Улар бизнинг бугунимиз, бизнинг эртанги кунимиз. Улар Ўзбекистонни дунёга танитишмоқда, шу орқали ўзликларини танишмоқда. Бундай ёшларга боқиб туриб юрагингиз тушириб уриб кетар даражада хаяжонланасиз, самимий қувончга ботасиз. Бейхитёр шўронинг мисриси ёлға тушади: “Бу боғлар бир боғлар бўлади хали...”

Кунини кеча Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимда Юртбошимиз Ислон Каримовнинг халқимизга табрик сўзларини эшитарканман, дилдимдан шу ўйлар ўтди. Айниқса, давлатимиз етакчисининг ёшларга алоҳида ишонч билан муурожаат этганлиги кўплар қатори мени ҳам тўлқинлантириб ёборди: “Бизнинг таянчимиз ва суянчимиз бўлмиш Ўзбекистон ёшларига қарата айтмоқчиман: бошимиздан кечираётган, шиддат билан ўзгариб, тобора мураккаблашиб бораётган давр барчамизнинг, биринчи навбатда, сиз, азиз фарзандларимизнинг олдида замонавий билим ва касб-ҳунарларни, интеллектуал бойликларни чуқур эгаллаш, шу билан бирга, мамлакатимизнинг халқаро майдонда рақобатдошлигини янги босқичга кўтариш, иқтисодий диверсификация қилиш, буларни тараққийлантириш локомотивига айлантириш каби вазифаларни қўймоқда”.

Ҳа, тамаддун, тараққиёт ҳеч қачон суратини йўқотмайди, аксинча, янада тезлашиб боради. Фақат бунинг учун биз ёшларга барча шарт-шароитларни яратиш беришимиз, уларга ишонимиз, улар-

дан оламшумул ютуқлар, мўъжизалар, кашфиёт ва ихтиролар кутиб, керак бўлса, талаб қилиб яшашимиз лозим. Ахир, бутун юртимизда асл ихтидор гуллаб-яшнаши, ривожланиши, бемисл юксакликларни забт этиши учун имкониятлар етарлича яратилган. Тан олайлик, ёшларимиз шунга яраша меҳнат қилишмоқда, ижод қилишмоқда. Бугун жаҳоннинг не-не мамлакатларида юртимиз байроғи баланд кўтарилишига, мадҳиямиз янграшига айнан ёшларимизнинг халқаро микёда эътироф этилиши омили бўлаётган.

Шукр, зимистонлар ордта қолди. Биз бугун ёруғ, фаровон, осойишта кунларда, жаннатмонанд бир ўлкада, тинч-омон кунларда муносиб ҳаёт кечирмоқдамиз. Биз, ўшал зимистонларни кўрган, баъзан адашган, баъзан адаштирилган авлод вакиллари бугунги кунларимизнинг кадрига кўпроқ етамиз.

Тарихини орқага қайтариб бўлмайди. Бугунги ҳавас этарли даражада ёруғ кунларимиз энди ҳеч қачон зимистонларга ошно бўлмаган. Зеро, бизни олдинда янада ёруғ ва буюқ келажак кутмоқда. Энг асосийси эса, бизнинг ишончимиз, таянчимиз ва суянчимиз бўлган ёшларимиз бор.

Тантанали маросимда Юртбошимизнинг айнан ёшларга қаратилган илҳомбахш сўзларини яна бир бор эслайлик: “Айни шу улкан долзарб мақсадларга эришиш йўлида сиз, азизларнинг халқимиз, Ватанимизнинг ишончини оқлашга қодир эканлигинга ишонман ва барчангизни доимо кўллаб-қувватлашга тайёрман”.

Бундай ёшлари бор халққа байрамлар ярашади. Бундай ёшлари бор халқ эртанги кунининг буюқлигига қатъий ишонади.

**Ислон ҲАМРОЕВ**

## ЭЗГУ НИЯТЛАР АЙЁМИ

**Наврўзи олам халқимиз учун неча минг йиллик тарихга эга, илдизлари “Авесто” даврида пайдо бўлган, қадимий, асл миллий, ҳар қандай сиёсатдан йироқ, кеча ва кундуз тенг келадиган, табиятда уйғониш айёмини бошлаб берадиган шарқона янги йил бўлиб, эл-юртимиз табиятига, онгу тафаккури, қалб-шуурига чуқур сингиб кетган энг севимли, энг гўзал баҳор байрами саналади.**

**Т**ўзал ва бетакрор, Яратганнинг назари тушган она дёригимизга навбаҳор қадам қўйиб, ўзи билан ҳар йили Наврўзи оламини олиб келар экан, ҳар биримиз табиятнинг узвий ва ажрзалмас қисми эканлигимизни теран ҳис қиламиз.

Юртбошимизнинг ташаббуси билан қайта тикланган ушбу Наврўз байрами, чин маънода, халқимизнинг тарихи, маданияти, мероси ниҳоятда қадимий эканини намоён этади. Умумбашарий тараққиётга катта ҳисса қўшган халқимизнинг эзгу фазилатларини ўзида мужассам этган бу энг қадимий байрам мустақиллигимиз туфайли янгича мазмун ва моҳият касб этди. Ҳаётимизнинг, кадриятларимизнинг узвий қисмига айланди.

Ҳақиқатан ҳам биз ўтган давр мобайнида мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ислохотлар изчиллигини давом эттириш орқали мамлакатимиз иқтисодийни юксалтириш ва ёшлар таълим-тарбияси йўлида қандай юксак натижаларга эришган

рилиб, муваффақиятлар, ютуқлар эътироф этилади. Келгусида қилнадиган ишлар режалаштирилади. Энг яхши орзу-тилақлар, ниятлар билдирилади. Келажак йўллари белгиланади. Президентимизнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги сўзида ҳам ана шундай эътироф ва эзгу ниятлар ифодасини топи.

Юртбошимизнинг ҳазрат Алишер Навоий бобомиз сўзлари билан айтган “Хар кунингиз Наврўз бўлсин”, деган самимий тилақлари замирида бутун халқимизнинг шарқона янги йилдаги бирдан-бир эзгу нияти — тинчлик; омонлик эканлиги намоён бўлди. Миллатимизнинг меҳридаре, меҳнатсевар, мард ва тўғрисўз, бутун дунёда тинчликнинг барқарор бўлишини тилаб яшайдиган ва шунга интиладиган халқ эканлигини кўрсатди.



Шунинг учун Президентимиз “шарқона янги йил кириб келиши арафасида туриб, янги йилда сизнинг энг эзгу ниятларингиз нималардан иборат, деб сўраса, халқимиз, ҳеч шикланмасдан, бизга тинчлик ва омонлик керак, деб жавоб бериши муқаррар”, дея халқимиз дилидаги сўзларни тилга олади.

Юртбошимиз байрам минбаридан туриб “Сизларнинг тимсолингизда аввало Ўзбекистонимизнинг янада обод ва фаровон қилиш йўлида ўзининг мардона меҳнати ва матонат билан улкан ҳисса қўшаётган, эришаётган ютуқ ва марралари билан барчанни қойил қолдираётган, ёвуз кучларга бош эгмайдиган, ўз кадр-қиммати, мустақиллигини юксак баҳолайдиган, бағрикенг халқимизни кўраман. Ва шу юксак минбардан туриб, шундай олижаноб фазилатлар соҳиб бўлган халқимиз олдида таъзим қиламан”, деган самимий қалб сўзларини эшитар эканмиз, бошимизда ота каби улғу инсоннинг иссиқ қафтини, меҳр-муҳаббат, ишонч тўла қалб хароратини сезгандай бўламиз.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, Наврўз ҳар бир оила, ҳар бир хонадонга, бутун юртимизга тинчлик-омонлик, меҳру оқибат, бахту саодат, кут-баракат олиб келишига ишонамиз.

**Ривож ОТАРБОЕВ,**  
Ўзбекистон “Адолат” СДП  
Қорақалпоғистон  
Республикаси кенгаши  
ракси ўринбосари



МЕХР ВА САХОВАТ ИФОДАСИ

ТАДБИР

Юртимизда давом этаётган баҳор шодиёналари қалбларга қувонч бағишлаб...



Байрам кунларида партиямиз фаоллари ташкилотчилигида бир катор хайрли тадбирлар ташкил этилди.

Жумладан, халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзosi, Қува туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари Икромжон Хасанов...

Тумандаги бир қатор маҳаллалар, турли ташкилотлар вакиллари, партия фаоллари иштирок этган тадбирда...

Миллий таомлар, баҳорий неъматлар билан безатилган байрам дастурхони ёзилди. Тадбирда намойиш этилган концерт дастури барчани хушнуд этди.

Комила ИСРОИЛОВА, Фарғона вилоят кенгаши матбуот котиби

"АДОЛАТ"НИ ТАНЛАГАН ЖАМОА

БПТ — ПАРТИЯ ТАЯНЧИ

Қумқўрғон телекоммуникация боғламаси алоқа тизимида вилоят бўйича етакчи муассасалардан бири саналади.



Ана шундай кўтаринки руҳда ишлаган жамоа аъзолари мамлакатимизда кечабатган ижтимоий-сиёсий жараёнларда...

муштарак деб билган Қумқўрғон телекоммуникация боғламасида меҳнат қилувчи 19 нафар ишчи-ходимларнинг...

Туман партия ташкилоти фаоллари билан бўлган учрашувда янги сафдошларимиз худудда "Адолат" партиясининг обрў-эътибори ва таъсирини ошириш...

— Шиддат билан ривожланиб бораётган давр ҳар бир фуқародан замон билан ҳамнафас бўлишни талаб этади, — дейди С.Хўжагелдиев.

Эзгу мақсадларни қўзлаб БПТ сафида бирлашган маслақдошларимизнинг келгуси режасида қатор ташкилот ва муассасалар билан ижтимоий шериклик асосида ишлашга доир вазифалар ҳам ўрин олган.

Мақсуд ТўРАЕВ, Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот котиби

ДЕПУТАТЛАР ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

СЕМНАР

Мамлакатимизда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ўтказилган сайловлардан буюн бир йилдан ошиқ вақт ўтди.

Яқинда Ўзбекистон "Адолат" СДП Наманган вилоят кенгаши ташкил этган "Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари" мавзусидаги семинар қатнашчилари анжуман бошланишидан олдинроқ шу каби фикрларни хаёдан ўтказган бўлсалар, ажаб эмас.

Шу ўринда депутатлар зиммасидаги вазифаларнинг кўлами ва аҳамияти катта эканини таъкидлаш жоиз. Улар давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари ва тегишли сайлов округлари аҳолиси ўртасидаги мулоқотни амалга оширишда, давлат ҳокимияти органлари очиқлигини таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутадилар.

Фуқаролик жамияти шаклланиши



Семинарни қисқача кириш сўзи билан очган "Адолат" СДП вилоят кенгаши раиси Олимжон Мақсудов куйидаги фикрларни билдирди:

— Депутатлар фаолиятини мавжуд талаблар асосида ташкил этиш учун партиянинг тегишли худудий бўлими раҳбари ўринбосари Нигора Нуралиева "Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари" мавзусида маъруза қилди.

ни мониторинг қилиш мустақил институти Наманган вилояти худудий бўлими раҳбари ўринбосари Нигора Нуралиева "Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари" мавзусида маъруза қилди.

шахсларнинг ҳисоботлари эшитишни ташкил этиш, депутатлик сўровлари натижа беришни таъминлашга аҳамият қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Шундан сўнг семинар қатнашчилари халқ депутатлари Чортоқ туман Кенгашидаги "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи раҳбари Саидолим Абдурахмоновнинг "Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларига масала тайёрлаш, кириштириш, кўриб чиқиш ҳамда қарорлар қабул қилиш тартиби тўғрисида"ги маърузасини тингладилар.

— Семинар жараёнида ўзим учун кўп фойдали маълумот олдим, — дейди Норин туман партия кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Абдували Мавлонов.

— Ҳозир халқ депутатлари туман Кенгашида депутатлик гуруҳимиз бор. Бу йил маҳаллий Кенгаш сессиясига масала кириштириш, унинг доимий комиссияларига тақлифлар бериш, депутатлик сўровлари самарадорлигини ошириш юзасидан ишлаб чиқилган режаларни амалга оширишда татбиқ этиш бўйича иш олиб бораёмиз.

Семинар якунида ўрганилган масалаларга оид тавсия ва тақлифлар ишлаб чиқилди. Депутатлар, партия фаоллари иштирокидаги шундай тадбирларни хар чоракда ўтказиб туришга келишиб олindi.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ, Наманган вилоят кенгаши матбуот котиби

ДАВРА СУХБАТИ

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Қорақалпоғистон худудий кенгаши томонидан Қорақалпоқ давлат университетида "Интернет маданиятини шакллантириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб аҳамияти" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

АХБОРОТ ХУРУЖЛАРИГА ҚАРШИ

маънавий иммунитет мустаҳкам бўлиши зарур

Партия фаоллари, депутатлар ва тегишли соҳа мутахассислари томонидан ўтказилган давра суҳбатининг асосий мақсади интернет тармоғидан фойдаланувчи ёшларни хар томонлама химоя қилиш, тўғри йўлга қўриштириш ҳамда уларда халқаро тармоқ орқали кириб келаётган салбий ғояларга қарши иммунитетни кучайтиришдан иборат.

Қорақалпоқ давлат университети журналистика кафедраси доценти, филология фанлари номзоди, шoira, партия фаоли Малика Жумамуратова томонидан "Ёшлар оғида интернет маданиятини юксалтириш ва маданиятни юксалтириш ва информация хавфсизлигини таъминлаш — асосий вазифамиз" мавзусидаги маъруза иштирокчиларда катта кизикшни уйғотди.

Маъруза давра суҳбати партиянинг "Ватан келажаги ёшлар кўлида" ижтимоий лойиҳаси доирасида ўтказилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорин Кенгеси депутати Нурлибек Мирзамуратов ёшлар оғида интернетдан фойдаланиш маданиятини таъминлашда халқимизнинг бой тарихи, маънавий мероси, муқаддас динимиз ва маданият ва адабиёт дурдоналари катта аҳамиятга эга эканини таъкидланди.

Зеро, биз ёшларимиз қалбига бой маънавий кадриятларимизни синдириб, бизнинг боболаримизнинг жаҳон тамаддунига қўнган улдушларидан фахр туйғулариини синдира оласак, албатта, уларнинг онгу тафаккурда хар қандай салбий иллатларнинг кириб боришига бўшлиқ қолмайди, хар қандай ахборотнинг салбий ва ижобий томонларин ажрата билиш қобилияти юксалиб боради.

Ўтказилган тадбир ёшлар тарбиясига партия фаолларининг жонкуярлик билан ёндашиб, эртанги келажагимиз ағдарилишини ҳаққини Ватан фидойилари бўлиб вояга етишишларини қўзлаб муҳим ишларни амалга ошираётганлигининг бир далилидир.

Шарипа ТОРЕШОВА, Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот котиби

СДП хабарлари

ХОРАЗМ. Урганч шаҳридаги 13-умумтаълим мактабида Президентимизнинг "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир" номли асарини ўрганишга бағишланган тадбир ўтказилди.



Иштирокчилар вилоят директори Гулсал Машарипова кириш сўзи билан очди. У сўзида вилоят партия ташкилоти томонидан қўллаб-қўллаб ижобий ишлар амалга ошириляётгани, бундай тадбир ва давра суҳбатлари ўтказилиши ёшлар оғида ижобий таъсир кўрсатаётгани, Президент асарининг мазмуни ва моҳиятини чуқурроқ ўрганиш каби тарбиёт ишлари кучайтириляётгани, бу эса ёшларимиз янада масъулиятли ва фойдали бўлишига ёрдам бераётганини кайд қилиб ўтди.

ШИРДАРЁ. Ширин шаҳридаги болалар мусиқа ва санъат мактабида Наврўз байрами муносибати билан "Ўзбекистон — инсон қадри уюлганган юрт" шiori остида маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Ширин шаҳар кенгаши ташкилотчилигида бўлиб ўтган мазкур тадбирда партия фаоллари, шаҳар хокимлиги, "Махалла" хайрият жамоат фонди шаҳар бўлими масул ходимлари, Энергетика ва маийий хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқувчилари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Иштирокчилар Наврўз байрамининг мазмуни-моҳиятида меҳр-оқибат, саховат каби эзгу кадриятларимиз мужассам эканини алоҳида таъкидладилар.

Тадбирда қатнашган 15 нафар ногирон болаларга совғалар тақдим қилинди.

ЖИЗЗАХ. Оқда мустаққамлигини таъминлаш, хотин-қизларнинг теббий маданиятини ошириш, оқдаларга соғлом муҳитни шакллантиришда тарбиёт тадбирлари муҳим ўрин тутадилар.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Пахтакор туман кенгаши ташаббуси билан "Оқбулок" кишлоғидаги касб-хунар коллежида "Эрта турмуш қуриш ва қариношлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш, ёшларнинг теббий маданиятини шакллантириш" мавзусида учрашув ўтказилди.

Тошкент шаҳар. Учтепа туманидаги Республика дизайн коллежида "Таълим жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланишнинг афзалликлари" мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг "Иновацион фаолият — тараккият гарови" лойиҳаси доирасида Учтепа туман партия кенгаши ташаббуси билан ўтказилган мазкур тадбирда таълим сифатини ошириш, замонавий ахборот технологиялари, инновацион дастурлар, қўлланмаларни таълим муассасаларининг ўқув-тарбия жараёнига кенг татбиқ этиш хақида атрафлича сўз юритилди.

Бутунги қунда хар бир соҳада бўлгани каби таълим тизимида ҳам инновация ютуқларидан фойдаланишнинг афзалликлари намоен бўлмоқда. Инновациоалар, янги педагогик технологиялар таълим мазмуниин бойитиш ва ўқитишнинг самарали усулларида яққол ақд этмоқда.

Жонли мулоқот тараида ўтган давра суҳбатида дарсларни интерактив тарзда олиб боришда педагогик ахборот технологияларини қўлаш, ўқувчиларнинг ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмасини мустаҳкамлаш хусусида фикрлашиб олindi.

АНДИЖОН. Бу йилги Наврўз байрами Избоскан туманининг "Узунқўча" маҳалласи аҳли учун қўнлоқ шодиёнага айланди. Байрам арафасида Ўзбекистон "Адолат" СДП Избоскан туман кенгаши фаолларидан бири, "Паҳлавон идеал имкони" масъулияти чекланган жамияти раиси Хуршидбек Тожибоев ташаббуси билан барпо этилган савдо ва маийий хизмат кўрсатиш мажмуаси фойдаланишига топширилди.

Маҳалла ободлигига ҳисса қўйиши, эл хизматига камарбаста бўлиш истағида тадбиркор партиядошимиз Х.Тожибоев фойдаланилмаётган жойда аҳолига сервис хизмати кўрсатиш ва ёшлар учун иш ўринлари яратиш тақлифи билан чиқди. Туман хокимлиги уни қўллаб-қувватлади.

2015 йилда банк томонидан берилган молиявий қўмақ асосида ва унинг ўз мабласти хисобига икки қаватли замонавий бино кад ростлади. Озиқ-овқат махсулотлари, гўшт дўкони ва тикувчиллик цехининг иш бошлаши натижасида қишлоқ ёшларидан 15 нафари иш билан таъминланди.

— Янги мажмуада фаолиятини бошлаган чеварларнинг шашти баланд, — дейди Избоскан туман партия кенгаши раиси Дилфуза Ахмедова. — Махсулот турини кўнайтириш ва йил охирига қадар яна 15 нафар хотин-қизларни ўз сафига қўшиб йўлида изланаётган жамоа томонидан тайёрланган дастлабки миллий либослар ўз харидорларини топди.

Тошкент шаҳар ҳамда вилоят партия кенгашлари матбуот хизмати хабарлари асосида тайёрланди.



# ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИ РАИСИ ВА УНИНГ МАСЛАХАТЧИЛАРИ САЙЛОВИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Давоми. Бошланғич 1-бетда**

Мазкур конституциявий нормалар, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Президентини сайлов тўғрисида"ги ҳамда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлов тўғрисида"ги қонунлари билан тўғри келиши.

Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида улкан аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида улкан аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида улкан аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Буни эса, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлов тўғрисида"ги қонуни янги таҳрири билан изохлаш мумкин. Мазкур қонуннинг мақсади шаҳарча, қишлоқ, овул, шунингдек, шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги, овуллардаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлов тўғрисидаги қонуни янги таҳрири билан изохлаш мумкин.

униги маслаҳатчилари сайлови ташкил этиш ва ўтказиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг иштирок этиши ихтиёрий ҳамда эркин бўлиши зарур. Фуқароларга уларни сайловда иштирок этишга ёки иштирок этмасликка мажбур қилиш мақсадида, шунингдек, уларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришига таъсир кўрсатишга ҳеч қандай ҳақ қўйиш мумкин эмас. Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлов ҳуқуқига сайлов кунини ўн саккиз ёшга тўлган ҳамда шаҳарча, қишлоқ, овул, шунингдек, шаҳардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги, овуллардаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида иштирок этиши мумкин эмас.

Мазкур сайловда фуқароларнинг иштирок этиши ҳуқуқларини бирон-бир тарзда бевоқиф қилиш ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови ташкил этиш ҳамда ўтказиш ошқоралик, муқобиллик ва тенг сайлов ҳуқуқи принциплари асосида амалга оширилади.

### ОШҚОРАЛИК ПРИНЦИПИ

Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови ташкил этиш ҳамда ўтказиш ошқоқоралик, муқобиллик ва тенг сайлов ҳуқуқи принциплари асосида амалга оширилади.

чилиги сайлови ташкил этиш ва ўтказиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг иштирок этиши ихтиёрий ҳамда эркин бўлиши зарур. Фуқароларга уларни сайловда иштирок этишга ёки иштирок этмасликка мажбур қилиш мақсадида, шунингдек, уларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришига таъсир кўрсатишга ҳеч қандай ҳақ қўйиш мумкин эмас. Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлов ҳуқуқига сайлов кунини ўн саккиз ёшга тўлган ҳамда шаҳарча, қишлоқ, овул, шунингдек, шаҳардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги, овуллардаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида иштирок этиши мумкин эмас.

### МУҚОБИЛЛИК ПРИНЦИПИ

Ушбу принцип, ўз навбатида, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловида иштирок этиши ҳуқуқларини бирон-бир тарзда бевоқиф қилиш ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

### ТЕНГ САЙЛОВ ҲУҚУҚИ ПРИНЦИПИ

Мазкур принцип орқали фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловида фуқаролар жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мақсаддан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига, шунингдек, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловида иштирок этиши ҳуқуқларини бирон-бир тарзда бевоқиф қилиш ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳақидаги қарори билан ишчи гуруҳ тузилади.

лашувчи комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши томонидан фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил



этиш ҳамда ўтказиш даврига тузилади.

Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига амалий ёрдам кўрсатиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳудудидида тегишли органлари бошқа ходимларининг яқин қариндошлари ишчи гуруҳ таркибига киритилиши мумкин эмас.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш учун фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) қарори билан ишчи гуруҳ тузилади.

ки, ишчи гуруҳ таркибига, қанда таркибига, фуқаролар йиғинининг, тегишли ҳудудда жойлашган нодавлат ногжорат ташкилотлар ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари,

раиси маслаҳатчиларининг миқдор таркиби ҳовиллар, уйлар, кўчалардан ҳамда шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ва овуллардаги маҳаллалардан фуқароларнинг вакиллари ин-

раиси маслаҳатчиларининг миқдор таркиби ҳовиллар, уйлар, кўчалардан ҳамда шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ва овуллардаги маҳаллалардан фуқароларнинг вакиллари ин-

раиси маслаҳатчиларининг миқдор таркиби ҳовиллар, уйлар, кўчалардан ҳамда шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ва овуллардаги маҳаллалардан фуқароларнинг вакиллари ин-

"Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида"ги ҚҚ-72-III-сонли Қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг навбатдаги сайловини ўтказиш муддати 2016 йилнинг май-июнь ойлари этиб белгилаб, бўлажак сайловда 9764 нафар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг 99 минг нафардан зиёд маслаҳатчиси сайланиши режалаштирилганлиги кўрсатилди.

Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат ва жамият ҳаётида тўғри ва роли тобора ортиб бораётганлигини, қолаверса, маҳалла фуқаролар йиғини жамият ва давлатнинг энг асосий таянч нуқталаридан бирига айланиб бораётганлигини далил беради.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда фуқаролар сайлов ҳуқуқлари кафолатларининг таъминлангани мамлакатимиз тарихининг янада жадаллаштириш, фуқароларнинг жамият бошқарувидаги фаоллигини кучайтиришга хизмат қилади.

Бу эса, ўз навбатида, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари ваколатларини амалга оширишда халқ томонидан билдирилган кучли хоҳиш-ироданинг ёрқин ифодасидир.

**Зафар РЎЗИЕВ,**  
юридик фанлар номзоди,  
доцент

## ДАРОМАДЛАРИНИГИЗНИ ДЕКЛАРАЦИЯЛАШНИ УНУТМАНГ!

### ➤ СОЛИҚ ПОЧТАСИДАН

Бугунги кунда жисмоний шахслар томонидан ўтган йилда асосий бўлмаган иш жойларидан ва бошқа манбалардан олинган даромадларини декларациялаш қизғин кечмоқда.

Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадларини декларациялаш тизими фуқаролардан йил давомида олинган даромадга солиқнинг тўғри ҳисобланганини, амалдаги қонунчиликка мувофиқлигини ҳамда даромад солигидан берилмаган имтиёзлар тўғри қўлланишини таъминлашдан иборат.

Солиқ тўловчилар учун Давлат солиқ қўмитасининг расмий "www.soliq.uz" сайтида кўрсатилган "Электрон солиқ декларациялари" интерактив хизмат орқали жисмоний шахслар электрон ҳужжат кўришидаги солиқ декларацияларини автоматлаштирилган ҳолда шакллантириш ҳамда электрон рақамли имзо билан тасдиқлаб, интернет тармоғи орқали туман давлат солиқ инспекцияларига жўнатиш имкониятига эга.

Бунинг натижасида декларация тақдим этаётган фуқароларимиз ортиқча қоғозбозликдан ва маълумотларни тўплаш ишларидан озод этилиб, уларнинг қимматли вақтлари тежалди. Бир сўз билан айтганда, солиқ тўловчи ва солиқ идоралари ходимларига ҳам қатъан қўлайликлар яратилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, амалдаги қонунчиликда солиқ декларациясини белгиланган муддатдан кечиктириб тақдим этган шахсларга нисбатан маъмурий, шунингдек, қўшимча ҳисобланган солиқни ўз вақтида тўламаган шахсларга нисбатан эса молиявий жарималар қўллаш кўзда тутилган.

Шу сабабли, декларация топшириши лозим бўлган жисмоний шахслар ҳисоботнинг якуний санаси 1 апрелгача яшаш жойларидаги солиқ органларига жами йиллик даромадлари тўғрисида декларация тақдим этишлари ҳамда ҳисобланган солиқларни эса жорий йилнинг 1 июнига қадар тўлашлари мақсадга мувофиқ бўлади.

**Давлатбек СУЛАЙМОНОВ,**  
Тошкент шаҳар Яшнобод туман  
ДСИ бошлиғи ўринбосари

**Барча юртдошларимизни Наврўз айёми билан самимий муборакбод этамиз. Наврўз оилангизга тинчлик, сийҳат-саломатлик, хотиржамлик ва бахт-омад олиб келсин.**

**"Агробанк" ҳамда Click компанияси ҳамкорлигида жорий этилган "Мобиль савдо" тизими орқали уяли телефонингиздан маҳсулот ва хизматлар учун тўловларни содда ва тез амалга ошириш хизматидан фойдаланинг.**

**CLICK**

**mobilsavdo**  
sodda va tez to'lov

**AGROBANK**

**Мобиль савдо белгиси мавжуд жойларда тўловни амалга оширишингиз мумкин.**

**www.agrobank.uz**

**Хизматлар лицензияланган**

Reklama

## Хуқуқий маслаҳат

Турмуш ўртоғим билан бахтли яшаб келаямиз. Бироқ 8 йилдирки, ханузгача фарзандимиз йўқ. Фарзандликка олиш тартиби ва шартлари ҳақида маълумот берсангиз.

Ф.Аҳадов, Самарқанд шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида "Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгузларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради", деб белгиланган.

2013 йил 30 апрелда Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига тегишли ўзгартришлар киритилди. 2013 йил май ойидан бошлаб, фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг ёки бир шахснинг аризасига кўра, васийлик ва ҳомийлик органларининг фарзандликка олишининг асослиги ва фарзандликка олинаётган бола манфаатларига тўғри келиши ҳақидаги ҳулосаси ҳисобга олинган ҳолда фуқаролик ишлари бўйича суд томонидан амалга оширилади.

Оила кодексига қўйилганга кўра, фарзандликка олишга фақат вояга етмаган болаларга нисбатан ва фақат уларнинг манфаатларини кўзлаб ўйлаб қўйилади.

Қонунда фарзандликка олиши мумкин бўлган шахсларга бир қатор талаблар қўйилган. Мисол учун, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар; қонун билан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланганлар, асаб касалликлари ёки нарколепия муассасаларида рўйхатда турувчилар, фарзандликка олинган бекор қилинган соғиб фарзандликка олувчилар; қасдан содир қилган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинган шахслар фарзандликка олувчи бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, фарзандликка олувчи ва фарзандликка олинувчилар ёшидаги фарқ 15 ёшдан кам бўлмалиги шарт, ўғай ота ва ўғай она томонидан фарзандликка олиш ҳоллари бундан мустасно.

Шу билан бирга, қонунда фарзандликка олишда устунлик ҳуқуқига эга бўлган шахслар ҳам белгиланган, Мисол учун, турар жойидан қатъи назар, фарзандликка олинувчининг қариндошлари, фарзандликка олинувчи бола оиласида яшаётган шахс; ака-ука, опа-сингилларни улар ўртасидаги қариндошлик алоқаларини бузмасдан фарзандликка олаётган шахслар; ўғай ота ва ўғай она; Ўзбекистон Республикаси фуқаролари; касаллик, бахтсиз ҳодиса оқибатида фарзандларидан ажралган шахслар.

10 ёшга тўлган бола фарзандликка олинишида унинг розилиги олинади, агар бола шу оилада табиқланаётган бўлса ва уларни ўз ота-онаси деб эътироф этса, боланинг розилиги талаб қилинмайди.

**Замира АҲМЕДОВА,**  
Самарқанд шаҳар 2-сон ФҲД  
бўлими мудири

# АБАДИЙЛИККА МАМОНТЛАР БИЛАН



## Журналистика соҳасида «Олтин қалам» XI Миллий мукофоти

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг омаллаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёнлашуларни шакллантириш мақсадида «Олтин қалам» XI Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказди.

3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2015 йилнинг 31 мартдан 2016 йилнинг 31 мартгача – бир йил давомида газета ва журналларда chop этилган, радио орқали эфирга узатиш ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2016 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

### Танлов ғолиблари учун қўйидаги мукофотлар таъсис этилган:

#### Журналистика соҳасида беш миллий мукофот.

Ғолиб махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишонни, статуеткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.

#### Асосий мукофотлар:

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма ОАВ – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика – 1-, 2-, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишонни, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишонни, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишонни, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.

#### Рағбатлантирувчи мукофотлар учун номинациялар:

Энг яхши фоторепортаж;  
Энг яхши матбуот хизмати.

Мазкур номинациялар ғолиблари диплом, «Олтин қалам» статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.

«Олтин қалам» танлови ғолибларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурдаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмағида амалга оширилади.

#### Шунингдек, танловда республикамиздаги бир қатор жамоат ташкилотлари ҳамда халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари қўйидаги рағбатлантирувчи номинацияларда ўз мукофотларини таъсис этганлар:

1. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси – «Оммавий ахборот воситаларида хотин-қизлар фаолияти ёритилган энг яхши материал учун».

2. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши – 2 та номинация:

а) «Соғлом она ва бола йили» мавзудаги энг яхши материал учун».

б) «Ижтимоий шериклик мавзудаги энг яхши материал учун».

3. Ўзбекистон Мустиқил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш Жамоат фонди – 2 та номинация:

а) «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижросини кенг ва самарали ёритгани учун».

б) «Энг яхши тахлилий-танқидий материал учун».

4. ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси – «Орол денгизи ҳудудининг барқарор ривожланишида хотин-қизларнинг роли».

5. БМТнинг Ахборот офиси – «Энг яхши ёшлар интернет наشري».

6. «Худудий мулоқот» (Словения) – «Қонун устуворлиги ёритилган энг яхши материаллар учун».

7. ЮСАИДнинг Ўзбекистонда сил касаллигига қарши кураш бўйича дастури – «Сил касаллигига қарши кураш масалалари ёритилган энг яхши материаллар учун».

8. Германия Халқ университетлари DVV International халқаро ассоциациясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси – «Катталарни ўқитиш ва таълим бериш соҳасида ОАВдаги энг яхши материал учун».

#### Танлов шартлари:

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 талдан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 дақиқадан 30 дақиқачага бўлиши керак.

Радиоэшитиришлар (CD, DVD дискда) 5 дақиқадан 30 дақиқачага бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари асл нусхада ёки кўчирма нусхада тақдим этилиши лозим.

#### Танловга юборилган материалларга қўйидагилар илова қилиниши лозим:

Муаллиф ҳақида маълумотнома (объективка);  
муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;  
паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини тантанали мукофотлаш маросими 2016 йил 3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги кунини «Туркистон» саройида ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар «Олтин қалам» танловига деб кўрсатилган ҳолда қўйидаги манзилга юборилиши лозим:  
100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй  
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, 3-қават.  
Телефонлар: 244-64-61; 244-37-87  
www.Journalist.uz

### ИЛМИЙ КАШФИЁТЛАР

2016 йил ажайиб илмий кашфиётларга бой бўладиганга ўхшаб турибди. Жумладан, олимлар абадий ҳаёт эликсирини топиш ва мамонтларни клонлаштириш оstonасида турганликларини айтишмоқда.

Москва давлат университети профессори Анатолий Брушков ўз танасига абадий ҳаёт ваъда этадиган бактерияларни киритди. Бу хабар илм аҳли орасида ҳам, жамоатчилик ўртасида ҳам кизгин муҳокама қилинмоқда. Кўпчилик бу тажрибани ҳаёт учун хавфли деб ҳисобламоқда. Айримлар эса Мария Складовская-Кюрини эслашмоқда. Ёдингизда бордир, олимпиа ўзи кашф этган радий ва полонийнинг таъсирини танасида синаб кўрганми. Ушанда фидойи олимпиа кундалигида баланига ажал яралари тошайтганлигини батафсил тасвирлаган. Хозирча нафосият тарихида биринчи марта танасига ўрта ҳисобда 3,5 миллион йил яшайдиган бактерияларни киритган Анастоллий Брушков қандай хавф хатарларга дучор бўлишини тахмин қилиш мумкин, ҳоло.

– Бактерияни биз 2009 йили Ёкутистоннинг абадий музликдаги Мамонтлар тоғидан топдик, – дейди А.Брушков. – Миллионлаб йиллар яшаб кўйганига қарамадан, у ҳали тирик эди. Шу фактнинг ўзиде шов-шувга айланди. Ахир она заманимизда тирик организмларнинг яшаш муддати чекланганда. Бактерия тўқималарининг биологик-кимёвий таркиби олимлар томонидан чуқур ўрганиб чиқилган. Маълумки, вақт ўтиши билан бактерия ши-

кастланиб, унда синтез ва ДНК фаолияти бузилади. Абадий музликдаги бир хужайраликларда эса бундай емирилиш жараяни рўй бермайди...

Дарвоқе, «абадий яшайдиган» бактерия устида кўплаб тажрибалар ўтказиб кўрилди. Жумладан, уни соатлаб қайнатилди, тоза спиртда саклашди деб ҳисобламоқда. Айримлар эса Мария Складовская-Кюрини эслашмоқда. Ёдингизда бордир, олимпиа ўзи кашф этган радий ва полонийнинг таъсирини танасида синаб кўрганми. Ушанда фидойи олимпиа кундалигида баланига ажал яралари тошайтганлигини батафсил тасвирлаган. Хозирча нафосият тарихида биринчи марта танасига ўрта ҳисобда 3,5 миллион йил яшайдиган бактерияларни киритган Анастоллий Брушков қандай хавф хатарларга дучор бўлишини тахмин қилиш мумкин, ҳоло.

Москва давлат университети профессори «абадий бактериялари» солинган сурикликни ичишдан олдин уларни сичқон ва пашшаларда синаб кўрди. Олинган натижалар ақл бовар қилмайдиган даражада эди. Жумладан, пашшалар жуда кўп яшади (тўғри, улар кўпаймай қўйилди). Сичқонлар ҳам ҳаракатчан бўлиб қолишди ва кутилганининг аксича (зеро, организм қанча кўп энергия сарф қилса, шунча кам умр кўради), узок яшанди.

Яна бир тахмин. Айрим талқинчилар ёқут халқи бу бактериядан кам миқдорда бўлса ҳам истеъмол қилиб турган, деган фикрда. Зеро, абадий музликларнинг эриган қисми дарёларга қўйилиб кетган. Шу сабабли бўлса керак, маҳаллий аҳоли орасида ёши тўқсондан ошса ҳам ҳали ба-



қувват кишилар кўпчилигини ташкил этади.

– Агар бактериялар абадий яшар экан, нима учун энди биз шундай имкониятга эга бўлмас эканми? – дейди интервьюларда ўзини яхши хис қилаётганини ва касалликлардан бир йўла фориғ бўлганини таъкидлаб чарчамаётган Анатолий Брушков.

Бироқ ҳамма олимлар ҳам Брушковнинг хатти-харакатини маъқуллаяпти, деб бўлмайд.

– Бу шунчаки шов-шув учун қилинган иш, – дейди Россия Фанлар академиясининг «Биотехнологиянинг фундаментал асослари» тадқиқот маркази директори Николай Пименов. – Аввал молекуляр даражада жиддий илмий тажрибалар ўтказиш, геномларни солиштириб кўриш, уларда бошқа организмларга хос бўлмаган ферментларни топиш зарур. Ана шундан кейингина алоҳида хусусиятга эга бактериялар ҳақида гапириш мумкин.

Эслатиб ўтайлик, 2015 йил охирида рус олимларидан иборат экспедиция аъзолари Ляхов оролларида олтига мамонт суяқларини топишди. Энг ажабланишли, абадий музлик қаърида қачонлардир ўлиб кетган хайвоннинг териси бузилмасдан сақланиб турарди.

Экспедиция раҳбари Семён Григорьевнинг таъкидлашича, айнан тери бирон хайвон тўқималарини яратилиши, демак, уни клонлаштиришни ишончли воситасидир. Шу сабабли ҳам, экспедиция аъзолари топган тери тажрибалар учун яроқли деб ҳулосага келинганидан сўнг мамонтни клонлаштириш гоёси бирдангина кун тартибига чиқди-қўйди. Айни кунларда бу масала билан дунёнинг энг таниқли генетиклари шугулланишмоқда.

Жумладан, Гарвард университетининг профессори Жорж Черч кадимий хайвонни ҳаётга қайтара олишига ишонади. У бактерияларни вируслар ҳужумидан сақлаш усулини ишлаб чиққан, демак, энди бу усул ёрдамида шикастланган ДНКларни тугатиш билан бир қаторда муайян генларни аниқ жойларга қўйиб чиқиш имко-

нияти ҳам яратилади. «Шу сабабли ҳам, – дейди Черч, – узони билан етти йилда мамонт боласи дунёга келади».

Мутахассислар ҳам илм-фанда йўқ бўлиб кетган хайвонларни қайтадан тиклаш имконияти вужудга келганлигини қайд этишмоқда. Жумладан, энг охириги пиреней ёввойи эчкиси 2000 йили Испанияда ўлик ҳолида топилган. 2009 йилда эса олимлар бу хайвоннинг ДНКси сақланиб қолганлигини маълум қилишди. Яқинда уй эчкиларининг ДНКси билан татиштирилган ҳолда олимлар янги пиреней ёввойи эчкисини яратдилар. Тўғри, янги эчки ўпка шамоллаши оқибатларини кўтаролмади. Барибир олимлар бу соҳада жуда катта кадам қўйилганлигини эътироф этишди. Тез орада эса япон олимлари музлатгичда 16 йилдан ортиқ сақланган сичқонни тирилтиришди.

Шундай қилиб, фан баҳайбат мамонтларга ҳам етиб келди. Бу мақсадни амалга ошириш учун ўн минг йилдан бери сақланиб келаётган тўқималарда тирик хужайрани топиш кифоя...

Дарвоқе, яқинда америкалик машхур палеонтолог Жек Хорнер динозаврларни «тирилтириш»га жуда оз муддат қолганлигини маълум қилди. Бунинг учун унга беш йил ва беш миллион доллар керак бўларкан, ҳоло. Чилилик таниқли олим Бруно Гросси ҳам тез орада сунъий йўл билан яратилган икки оёқли динозавр дунёга келишини башорат қилмоқда. Кўрамиз...

Интернет хабарлари асосида «Adolat» мухбири Бобур ТУНГАТОВ тайёрлади.

**IPOTEKA BANK**

**Сизни баҳор байрами – Наврўзи олам билан муборакбод этамиз.**

Ушбу айём ҳар бир хонадонга тинчлик ва бахт олиб келсин.

Хизматлар лицензияланган

**Global Savdo Fayz Buxara MЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!**

АТ Халқ банки Бухоро вилоят филиалининг 18.03.2016 йилдаги №08-3/21-сонли буюртма хатига асосан банкка тегишли бўлган қўйидаги автотранспорт воситалари такрорий «Очик Аукцион» савдоларига қўйилмоқда.

1. 1979 йилда и/ч, д/р 20 АГ 749 бўлган «ГАЗ-24» русумли автотранспорт воситаси. **Б/б – 256 500 сўм**
2. 2002 йилда и/ч, д/р 80/259 RAA бўлган «ТИКО» русумли автотранспорт воситаси. **Б/б – 10 000 000 сўм.**
3. 2007 йилда и/ч, д/р 80/058 САА бўлган «ЛАДА-11193-110» русумли автотранспорт воситаси. **Б/б – 10 000 000 сўм.**

Шу билан бирга, такрорий «Очик Аукцион» савдоларига Бухоро муҳандислик-технология институтининг 16.03.2016 йилдаги №89-13/403-сонли буюртма хатига асосан институтга тегишли 2005 йилда и/ч, д/р 80/330 LAA бўлган «ГАЗ 3102-121» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Б/б – 14 681 165 сўм.**

Аукцион савдоси 2016 йил 11 апрель кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2016 йил 11 апрелдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2016 йилнинг 27 апрель кунини соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини «Global Savdo Fayz Buxara» МЧЖнинг ЧЭКИ «Савдогар банк» Бухоро филиалидаги х/р: 20208000505017774001, МФО: 00112, ИНН: 302485226 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

**«Global Savdo Fayz Buxara» МЧЖ.**  
Манзил: Бухоро шаҳри Мустиқиллик кўчаси 12-уй. Телефон: (0365) 221-54-43.

**ЎЗГАРТИРИШ**

Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказининг объекти бўйича «Хуррият» газетасининг 2016 йил 2 март кунини 9-сонда берилган эълонига қўйилган ўзгартиришлар киритилганлиги маълум қиламиз.

**Объект номи:** «Фарғона вилояти, Фурқат туманидаги БУСМга болалар спорт комплексини (Тип-1) янги қурилиши».

**Бошланғич нархи:** 1 750 762 863 сўм ҚҚС билан; 1 458 969 053 сўм ҚҚСсиз.

**Муддати – 01.09.2016 йил.**

# САЙҚАЛ ТОПАЁТГАН САМАРҚАНД

➤ **ФУРУР**

Юртимизда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотлар пировардида бир мақсадга – инсон манфаатларига қаратилгани билан аҳамиятлидир. Инсон омили асосий вазифа этиб белгиланган худди ана шу жиҳат жаҳон ҳамжамияти орасида мустақкам ўрин тутиб келаётганимиз омили бўлмоқда.

**Ю**қори технологияларга асосланган замонавий корхоналар ишлаб чиқариш модернизация ва диверсификация қилиниб, иқтисодиётимизнинг рақобатдошлиги ошириб бораётгани ҳам мана шундай натижалар сирасига қиради. Бу эса мамлакатимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб, ишлаб чиқариш ва саноатни жадал суръатлар билан ривожлантириш имконини бермоқда.

Мана шу мавзуда гап кетганда, иқтисодий салоҳиятимиз салмоғини Самарқанд вилояти мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Вилоятда иқтисодиётнинг барча тармоқлари изчил ривожланиб, аҳоли турмуш фаровонлиги йилдан-йил юксалиб бормоқда. Хусусан, бугунда ишлаб чиқариш корхоналари сони 3477 тани, кичик бизнес субъектлари эса 15840 тани ташкил этмоқда. Саноат йўналишида ўтган йили қарийб 300 миллиард сўмлик 400 та лойиҳа амалга оширилди.

кўплаб қўшма корхоналар вилоят иқтисодиётини мустақкамлашда муҳим ўрин тутиб келяпти. Бу борада дунёнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланган Жанубий Корея, Япония, Хитой, Бирлашган Араб Амирликлари, Буюк Британия, Испания, Франция, Швеция, АКШ ва Россия сингари давлатлари билан иқтисодий ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган.

Саноатни маҳаллийлаштириш давлат дастури асосида бутун вилоятда 2934 та ишлаб чиқариш корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Вилоятда фаолият кўрсатаётган 92 та корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган 126,6 миллион доллар миқдоридagi 28 турдан зиёд маҳсулотлар бутунги кунда дунёнинг 70 дан ортиқ давлатларига экспорт қилинапти. Шунинг баробарида қишлоқ хўжалигида ҳам эришилаётган натижалар салмови йилдан-йилга ортиб бораёпти. Дехон ва фермерлар омиқдорлиги ва фидойилиги туфайли давлатга юқори сифатли пилла, ғалла ва пахта хомашёси етказиб бериш режалари ортинги билан бажарилапти. Бунинг каби кўрсаткичлар вилоятда ялли худудий маҳсулот ишлаб чиқариш хажми 7,2 триллион сўмини ташкил этиб, ўсиш даражаси 109,2 фоизга ошганидан далолатдир.

Даромадга яраша буромад, деган гап бор. Олинаётган соф фойда хисобидан сарфланаётган маблағлар қандай мақсадларга йўналтириляпти, деган ҳақли савол туғилиши табиий. Бу борадаги статистика маълумотларга эътибор қаратсак, маблағлар асосан вилоят иқтисодиётининг барча тармоқ-

ларини ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ва турмуш даражасини ошириш, яратиш, ободлаштириш ҳамда қурилиш-бунёдкорлик ишларига сарфланаётгани яққол кўзга ташланади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, маҳаллий бюджет маблағларининг 80 фоиздан ортиғи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилмоқда. Шунингдек, ўтган йили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига молиявий кўмак кўрсатиш мақсадида 583,8 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Шаҳару қишлоқлар ободлиги, айниқса, қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган турар жойлар вилоятнинг ривожланиши ва тараққиёт даражасини кўрсатиб турибди. Жаҳоннинг мана-ман деган давлатлари иқтисодий ва молиявий инқироздан азият чекиб турган айни паллада, мамлакатимизда бунинг акси кузатилаётгани, хусусан, Самарқанд вилоятида 2015 йил хисобидан 93 миңтадан ортиқроқ янги иш ўринлари яратилгани ҳавас қилса аризулик воқеа аслида.

Шунинг учун ҳам бутун бутун дунёнинг нигоҳи бизга қадалган – кизиккишлари ошган. Мана шу каби мувофакиятлар туфайли вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари янада сайқал топмоқда. Бундай улкан ютуқларни қўлга киритишда вилоятда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, вилоят фаоллари ва аҳолиси ўртасида шаклланган соғлом муҳит, ўзаро ҳамкорлик, кўрсатилган ташаббусларнинг яқдиллик билан қўллаб-қувватланиши, шунингдек, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик ҳамда инсонлараро ҳамжихатлик муҳитининг шаклланганлиги асосий омиллардан бўлмоқда.

Айтиш жоизки, мустақиллик шарофатидан қадимий ва ҳамisha навқирон Самарқанд жаҳоннинг энг обод ҳамда муаззам шаҳарлари қаторидан жой олди. Бугунги кунда хорижлик сайёҳлар бу мафтункор гўша ҳақидаги таассурот-



А.Исроилов (ЎзА) олган сурат

ларини завқ ва хайрат ила баён этишдан чарчамайдилар. Аждодларимизнинг буюк ўтмишидан гувоҳлик берувчи қадамжоларимиз тубдан таъмирланиб, ўзгача кўринишга эга бўлди. Бунёдкорлик ишлари кенг қулоч ёзди. Дунёнинг етти иқлимидан келтирилган камёб гул ҳамда манзарали дархат кўчатлари атрофга бетакрор кўриниш бағишлади. Регистон майдони ва унга туташ бовдаги турли фавворалар атрофида ўйнаётган болажонларнинг шодон кулгиси, ажиб гўзалликлардан хайратланиб, уни суратга муҳрлаётган хорижлик сайёҳлари кўриб, фахрланиб кетасан, киши. Қалбнинг завқ-шавққа тўлади. Чиндан ҳам, шу қисқа вақт мобайнида Самарқанд шаҳри қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Ваҳоланки, бир неча ўн йиллар муқаддам шаҳримиз қиёфаси шу қалар ўзгаради деган тунунчадан анчайин йироқ эдик. Ўзгаришлар, янгилашув жараёнлари шундоққина кўз ўнгимизда кечмоқда. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналар, мухташам иштироқлар, турар жойлар, янги таълим ва шифо масканлари, спорт мажмуалари, меҳмонхоналар, равон йўллар, кенг

кўчалар, маҳабатли кўприклар, янгилаш ва сўлим хиббонлар, истироҳат боғларини бозорлар, фавворалар шаҳарга ўзгача фусункорлик бағишлади. Шу боис ҳар йили бу ерга жаҳоннинг юздан зиёд давлатларидан миллионлаб сайёҳлар ташриф буюради. Халқаро доираларда тан олинган ва катта нуфузга эга бўлган "Хаффингтон пост" интернет наشري томонидан Самарқанд инсон ўз умри давомида ҳеч бўлмаганда бир марта бора бериб кўриши, албатта, зарур бўлган дунёдаги 50 та шаҳарнинг бири сифатида эътироф этилгани нафақат самарқандликлар, балки барча юрдошларимизга чексиз ғурур ҳамда ифтихор ҳиссини бағишлади.

Самарқандда халқаро миқёсдаги анжуманларни ўтказиш борасида катта тажриба тўпланган. Хусусан, кейинги йилларда қатор халқаро конференциялар юксак уюшқоқлик билан ҳамжихатликда ўтказилди. Айниқса, самарқандликлар мухтарам Юртбошимизнинг ташаббуслари билан ҳар икки йилда ўтказилиб келинаётган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалига алоҳида хозирлик кўришади. Дунё маданияти ва санъати аҳлининг эътибор ва эътирофига сазовор бўлаётган ушбу мусиқа анжумани доирасида кўплаб маданий тадбирлар, хорижликлар иштирокида учрашувлар ташкил этиляпти. Айниқса, фестивалнинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари ўзининг жозибаси ва бетакрорлиги билан миллионлаб санъатсеварлар қалбини кўтаринкилик бағишламоқда.

Ўтган йили маъмур мусиқа анжуманида 67 та давлат ва 3 та нуфузли ташкилотнинг 400 нафардан зиёд вакиллари иштирок этишди. Фестивал иштирокчилар ва самарқандликларга унутилмас лаҳзаларни ҳаля этди. Дастур доирасида Ўзбекистонда илк бор Самарқанддаги Регистон майдонида "3 D МИТИНГ ЛАЗЕР" шоуи намойиш этилиб, унда дунё тамаддунида ўчмас из қолдирган буюк аждодларимиз сиймоси 60 яқин миллат вакилларига кўрсатилди. Инсоният цивилизациясининг тарихи, миллий ўзгичимиз ва Буюк ипак йўли ҳақида хикоя қилувчи фильм томошабиниларга ўзгача завқ-шавқ бағишлаб, уларнинг қалбини хисҳаяжонга чулғади.

**Бахт учун дунёга келадиги Инсон...**

**Бошқаларнинг бахтини ўйлаб, ўз бахтимизни ҳам топамиз.**  
АФЛОТУН

**Оз нарсага қаноат қилган одам давлатмандир, негаки, бундай қаноат унинг маънавий бойлигидан далолат беради.**  
СУҚРОТ

**Ҳаётда бахтан бўлишининг бирдан-бир йўли: жаҳонга ва, айниқса, ўз Ватанига фойдали бўлишдир.**  
Н.КАРАМЗИН

**Илоҳи борича кўпроқ одамларга бахт ҳаля қилган киши энг бахтиёр кишидир.**  
Д.ДИДРО

**Бахт ҳаёда эсмайди, меҳнатдан келади.**  
РУДАКИЙ

**Бахт кўп меҳнат қилганга насиб бўлади.**  
Леонардо да Винчи

**Ҳар бир киши — ўз бахт-саодатининг ижодкори.**  
Р.СТИЛ

# TOSHRANGMETZAVOD

**Ўзбекистон халқини НАВРЎЗ байрами билан чин дилдан муборакбод этади!**

**Баҳорий кайфият, меҳр-муҳаббат ва бахту омад сизни асло тарк этмасин!**

## БАҲОР АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗЛАР!

Хизматлар лицензияланган

**МУАССИС:** Бош муҳаррир: Ислоҳ ҚАМРОЕВ

<p><b>Таҳрир ҳайъати:</b> Наримон УМАРОВ Муҳаммад АЛИ Гавҳар АЛИМОВА Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА Қодир ЖЎРАЕВ</p>	<p><b>Тошпўлат МАТИБАЕВ</b> Талъат МУРОДОВ Абдуқамол РАҲМОНОВ Собир ТУРСУНОВ Алишер ШОДМОНОВ Шухрат ЯКУБОВ</p>	<p><b>Бўлимлар:</b> Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Котибият — 288-42-14 (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 288-42-12 (146); Қабулхона — 288-42-23; 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 233-41-89. <b>Навбатчи муҳаррир</b> — Абдуқамом Йўлдошев <b>Навбатчи</b> — Бобиржон Тунғатов</p>
---	--	--

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят руҳсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган  
**Таҳририят манзили:** 100043, Тошкент шаҳри, Чиланзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.  
**info@adolatgz.uz**

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қороз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 300. Аади — 11921. Босишга топшириш вақти — 20.55. Босишга топшириди — 21.25. Баҳриси келишилган нархга

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100**

ISSN 2071-5217

1 2 3 4 5